



ASES
ACADEMY OF SCIENTIFIC AND
EDUCATIONAL STUDIES




ORIENTAL
UNIVERSITETI



ASES XI. INTERNATIONAL SOCIAL SCIENCES CONGRESS

28 -30 November 2025, Uzbekistan

CONGRESS BOOK

EDITOR: Prof Dr.QODIROV GAYRAT

ISBN: 978-625-92930-0-4

Ases XI. Uluslararası Sosyal Bilimler Kongresi

**28-30 KASIM 2025
Jizzax, UZBEKISTAN**

EDITOR
Prof. Dr. QODIROV GAYRAT

COPYRIGHT © 2025
BY ASES CONGRESS ORGANIZATION
PUBLISHING COMPANY LIMITED

ALL RIGHTS RESERVED. NO PART OF THIS PUBLICATION MAY BE REPRODUCED, DISTRIBUTED OR TRANSMITTED IN ANY FORM OR BY ANY MEANS, INCLUDING PHOTOCOPYING, RECORDING OR OTHER ELECTRONIC OR MECHANICAL METHODS, WITHOUT THE PRIOR WRITTEN PERMISSION OF THE PUBLISHER, EXCEPT IN THE CASE OF BRIEF QUOTATIONS EMBODIED IN CRITICAL REVIEWS AND CERTAIN OTHER NONCOMMERCIAL USES PERMITTED BY COPYRIGHT LAW. ASES CONGRESS ORGANIZATION PUBLISHING® IT IS RESPONSIBILITY OF THE AUTHOR TO ABIDE BY THE PUBLISHING ETHICS RULES.

ASES PUBLICATIONS – 2025©

LICANCE KEY: 2022/ 63715

25.12.2025

ISBN: 978-625-92930-0-4

ЁШ ЛИДЕРЛАР ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИДА ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ РОЛИ

Комилжон Муротмусаев

Университет Ориентал, кафедра «Педагогика непрерывного образования»,
кандидат медицинских наук, доцент Ташкент, Узбекистан.
ORCID: 0000-0003-3154-4900,

Annotation: This thesis analyzes the significance of emotional intelligence (EI) in the activities of young leaders, its developmental opportunities within the educational process, and its impact on the formation of leadership competencies. The development of emotional intelligence serves as an important factor in enhancing young people's communication, empathy, decision-making, and the effectiveness of relationships within a team.

Keywords: young leader, emotional intelligence, educational activity, empathy, communicative ability, leadership, social competence.

Аннотация: Мазкур тезисда ёш лидерлар фаолиятида эмоционал интеллект (ЭИ)нинг аҳамияти, унинг таълим жараёнидаги ривожланиш имкониятлари ва лидерлик компетенцияларини шакллантиришдаги таъсири таҳлил қилинади. Эмоционал интеллектнинг ривожланганлиги ёшларнинг мулоқот, эмпатия, қарор қабул қилиш ва жамоадаги муносабатлар самарадорлигини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Калит сўзлар: ёш лидер, эмоционал интеллект, таълим фаолияти, эмпатия, коммуникатив қобилият, раҳбарлик, ижтимоий компетенция.

КИРИШ

Бугунги глобал таълим муҳитида ёш авлодда лидерлик сифатларини ривожлантириш стратегик аҳамият касб этади. Лидер шахснинг самарали фаолияти нафақат билим ва ташкилотчилик қобилиятига, балки эмоционал интеллект даражасига ҳам боғлиқдир (Goleman, 1995). Ёш лидерлар таълим жараёнида кўпинча жамоа билан мулоқотда бўлади, қарор қабул қилади, эмоционал вазиятларни бошқаришга тўғри келади. Шу боис, эмоционал интеллект уларнинг ижтимоий-психологик барқарорлигини таъминлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Эмоционал интеллект – бу шахснинг ўз ва бошқаларнинг ҳис-туйғуларини англаш, идора қилиш ҳамда улардан мақсадга йўналтирилган фойдаланиш қобилиятидир (Salovey & Mayer, 1990). Ёш лидер учун бу қобилиятлар жамоадаги муносабатларни бошқариш, ҳамкорликда қарор қабул қилиш ва бошқаларни илҳомлантириш жараёнларида асосий роль ўйнайди.

Goleman (2018) таъкидлаганидек, юқори ЭИ даражасига эга лидерлар стресс вазиятларда ҳам эмоционал барқарорликни сақлай олади, бу эса таълимдаги

самарадорликни таъминлайди. Таълим жараёнида ЭИни ривожлантиришнинг самарали йўлларидан бири – тренинглари, ролли ўйинлари ва рефлексия усулларидан фойдаланишдир (Andreeva, 2000).

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Муратмусаев (2022) таъкидлаганидек, ёш лидерларни тайёрлашда эмоционал ва ижтимоий компетенциялар бир-бирини тўлдирувчи асосий омиллардир. Улар шахсда масъулият ҳиссини, мулоқот маданиятини ва бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилиятини шакллантиради. Мардиева (2022) эса таълим муассасаларида ёшлар лидерлигини ривожлантиришда эмоционал интеллектни ўқув жараёнининг муҳим компоненти сифатида қўллашни таклиф этади.

Шу билан бирга, эмоционал интеллект ёш лидерларда эмпатия ва ҳамдардликни кучайтиради, бу эса жамоа муҳитининг психологик барқарорлиги ва ишонч даражасини оширади (Bendas, 2007).

ХУЛОСА

Эмоционал интеллект ёш лидерлар фаолиятида шахсий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим психологик асосидир. У мулоқотда самарадорлик, вазиятни ҳис қилиш, бошқаларни илҳомлантириш ва конструктив муносабатларни йўлга қўйиш имконини беради. Таълим жараёнида ЭИни ривожлантириш ёш лидерларда масъулият, етуқлик ва етакчилик қобилиятларини мустаҳкамлайди. Шу сабабли, ёш лидерлар тайёргарлиги тизимида эмоционал интеллектни ривожлантирувчи методик ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goleman, D. (1995). *Emotional Intelligence: Why It Can Matter More Than IQ*. New York: Bantam Books.
2. Salovey, P., & Mayer, J. D. (1990). *Emotional Intelligence*. *Imagination, Cognition and Personality*, 9(3), 185–211.
3. Andreeva, G. M. (2000). *Социальная психология*. Москва: Аспект Пресс.
4. Bendas, T. V. (2007). *Психология лидерства*. Санкт-Петербург: Питер.
5. Муратмусаев, К. Б. (2022). *Социально-психологические особенности лидерства в управлении*. Вестник, CyberLeninka.
6. Мардиева, Ш. (2022). *Социально-психологические факторы формирования лидерских качеств молодежи*. *Scientific and Innovative Developments in Uzbekistan*.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИДА ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ
МЕХАНИЗМЛАРИ

Миршод Жабборов

Ўзбекистон Республикаси Ориентал университети, “Узлуксиз таълим педагогикаси”
кафедраси Психология йўналиши 1- босқич магистранти

Annotation. This thesis analyzes the psychological factors and their mechanisms of influence in the formation of adolescents' personalities by parents. Adolescence is characterized as a crucial stage marked by personal and social transformations, where parental attitudes, emotional support, control, and trust play a decisive role. The results of the scientific analysis show that the psychological factors within the parental environment directly affect the processes of adolescents' self-awareness, internal stability, and social adaptation.

Keywords: adolescent psychology, parent–child relationship, emotional support, psychological factors, upbringing mechanism, social adaptation, internal stability.

Аннотация. Ушбу тезисда ота-оналарнинг ўсмирлар шахсияти шаклланишидаги психологик омиллар ва уларнинг таъсир механизмлари таҳлил қилинган. Ўсмирлик даври шахсий ва ижтимоий ўзгаришлар билан тавсифланадиган муҳим босқич бўлиб, бу жараёнда ота-оналарнинг муносабати, эмоционал қўллаб-қувватлаши, назорати ва ишончи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Илмий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ота-она муҳитидаги психологик омиллар ўсмирнинг ўзини англаш, ички барқарорлик ва ижтимоий мослашув жараёнларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: ўсмирлик психологияси, ота-она муносабати, эмоционал қўллаб-қувватлаш, психологик омиллар, тарбия механизми, ижтимоий мослашув, ички барқарорлик.

Асосий мазмун. Ўсмирлик даврида бола шахсияти тез ривожланади ва у мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш ҳамда жамиятдаги ўрнини англашга интилади. Бу даврда ота-оналарнинг психологик таъсири боланинг ички дунёсидаги ўзгаришларни бошқарадиган асосий механизмлардан бири ҳисобланади.

Психология фани нуқтаи назаридан, ота-оналар таъсири қуйидаги **психологик механизмлар** орқали намоён бўлади:

1. **Идентификация механизми.** Ўсмир ота-она шахсиятини намуна сифатида қабул қилади. Унинг қадриятлари, хулқ-атвори ва муносабат услубини синаб кўради. Шунинг учун ота-онанинг шахсий намунаси ўсмир онгида "идеал мен"ни шакллантиришда асосий рол ўйнайди (Bandura, 1986).
2. **Эмоционал қўллаб-қувватлаш механизми.** Психологлар таъкидлаганидек, муҳаббат ва ишонч муҳитида ўсган ўсмирда стрессга чидамлилиқ, ўзини англаш

ва ижобий “мен-концепция” ривожланади (Rogers, 1961). Шу сабабли, ота-оналарнинг руҳий яқинлиги болада хавфсизлик ҳиссини кучайтиради.

3. **Назорат ва автономия ўртасидаги мувозанат механизми.** Ота-оналарнинг назорати ўсмирнинг масъулиятини шакллантиради, аммо ортиқча назорат мустақил фикрлашни чеклайди. Демократик ёндошувда назорат ва эркинлик ўртасидаги баланс сақланса, ўсмирнинг ўзини баҳолаш ва ички барқарорлиги юқори бўлади (Baumrind, 1991).
4. **Мулоқот механизми.** Психологик жиҳатдан соғлом мулоқот — очиқлик, ҳурмат ва тенг муносабатга асосланади. Ота-оналарнинг конструктив мулоқоти ўсмирда ишонч, ҳамдардлик ва ижтимоий мослашув қобилятини ривожлантиради (Rean, 2018).
5. **Рефлексия ва фидбек механизми.** Ота-оналар томонидан берилган фикр-мулоҳаза ўсмирнинг ўз хулқини баҳолаш, хатоларни англаш ва келгусида тўғри йўлни танлаш қобилятини ривожлантиради. Бу механизм орқали ўсмирда масъулият ҳисси ва ўз-ўзини назорат қилиш қобиляти шаклланади.

Психологик тадқиқотлар кўрсатганидек, эмоционал етишмовчилик ёки салбий муносабат муҳитида ўсган ўсмирларда паст ўзини баҳолаш, агрессив хулқ-атвор ва ижтимоий изоляция ҳолатлари кўп учрайди (Steinberg, 2001). Шу боис, ота-оналарнинг руҳий саводхонлиги ва психологик маданиятини ошириш ўсмир шахсиятининг соғлом ривожланиши учун муҳим шартдир.

ХУЛОСА

Ота-оналарнинг ўсмирлар тарбиясидаги психологик омиллар — идентификация, эмоционал қўллаб-қувватлаш, назорат ва автономия мувозанати, конструктив мулоқот ва рефлексия — ўсмирнинг ички барқарорлиги ҳамда ижтимоий фаоллигини белгилайди. Бу механизмларнинг самарали ишлаши учун ота-оналарда эмпатия, сабр, ва бола психологиясини англаш қобиляти бўлиши лозим. Демократик ва эмоционал муҳит ўсмирнинг ижтимоий ривожланиши, шахсий масъулияти ва ўзини қадрлаш даражасини юксалтиришнинг энг ишончли йўли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bandura, A. (1986). *Social Foundations of Thought and Action: A Social Cognitive Theory*. Prentice-Hall.
2. Rogers, C. R. (1961). *On Becoming a Person: A Therapist's View of Psychotherapy*. Houghton Mifflin.
3. Baumrind, D. (1991). *Parenting Styles and Adolescent Development*. In R. M. Lerner (Ed.), *Encyclopedia of Adolescence*. Garland.
4. Steinberg, L. (2001). *Adolescence*. McGraw-Hill.
5. Реан, А. А. (2018). *Психология личности и самосознания*. Санкт-Петербург: Питер.
6. Шомуродов, Х. (2020). *Ўсмир шахсияти ривожланишида ота-она таъсири*. Тошкент: Фан.